

АГРАР СОҲА УЧУН ЖАЛБ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ ОРҚАЛИ ДАРОМАДЛАРНИ ОШИРИШ

Махмудов Saidkarim Saidakhmatovich,

Тошкент давлат аграр университети мустақил изланувчи
Тошкент, Ўзбекистон

INCREASING INCOMES BY ATTRACTING INVESTMENT FOR THE AGRICULTURAL SECTOR

Makhmudov Saidkarim Saidakhmatovich,

Independent researcher of Tashkent State Agrarian University
Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: D1, D25

Аннотация. Илмий тадқиқот ишида республикамизда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари фаолиятига асосий асосий капиталига киритилган инвестиция маблағлари ўзгариши динамикаси, манбалари, фермер хўжалик фаолиятидан олинган фойда билан фаолиятга сарфланган инвестиция маблағлари ўртасидаги муносабатга иқтисодий баҳо берилган. Шунингдек, фаолиятдан олинган фойдага таъсир этувчи омиллар ҳам ўрганилган. Таҳлилда, 44 та бир-биридан узоқ бўлмаган фермер хўжаликлирида ўтказилган ижтимоий сўровнома асосида олинган маълумотлардан фойдланилган. Фермер ва деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқарши фаолиятидан олинган фойданинг ошишида инвестиция маблағлари 1 фоизлика ($p<.01$) статистик муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланган. Фермер хўжаликлирига киритилган инвестиция маблағларини 1 бирликка ошиши фаолиятидан олинадиган фойда миқдорини 22 фоизга ошириши илмий асосланган.

Abstract. The research provides an economic assessment of the dynamics of change, sources of investment in fixed assets

in agriculture, forestry and fisheries in the country, as well as the relationship between profits from farming and investment. In addition, the factors influencing the profitability of the activity were also studied. The analysis used data from a social survey conducted on 44 farms not far from each other. It was found that investment funds at a rate of 1% ($p <.01$) play a statistically significant role in increasing the profitability of farms from production activities. It is scientifically justified to increase the investment in farms by 1 unit, increase the amount of profit by 22.6%.

Калим сўзлар: фойда, инвестиция, инвестиция маблағлари, инвестиция манбалари, "robust (мустаҳкамлаш)", "мустаҳкамлаш", фермер хўжаликлари, даромад

Keywords: profit, investment, investment funds, investment sources, "robust (strengthening)", "strengthening", farms, income

Кириш: Инвестициялар дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқариши кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан ҳисобланиб, қишлоқ хўжалиги соҳасига жалб қилинган

инвестициялар [1] иқтисодий ўсиш, қашшоқликни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилаш учун ҳал қилувчи омил сифатида қаралади [2].

Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий соҳаларда ислоҳотларни узлуксиз амалга оширишда, тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишида, улар ўртасида интеграцион жараёнларни барқарор ривожланишида инвестициялар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни жалб этишини ривожлантириш фаол инвестиция сиёсати орқали амалга оширилади. Натижада, қишлоқ хўжалик фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми миқдор ва сифат жиҳатдан ошишига таъсир кўрсатиб, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, қайта ишлаш саноатини эса хом-ашё билан таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга, экспорт салоҳиятини ошишига замин яратилмоқда. Бироқ, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги фаолиятига жалб этилаётган инвестиция муҳитини яхшилашда ва инвесторларнинг хукуқ ва манфатларини кафолатлашда, уларга иқтисодий имтиёзлар бериш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлсада, иқтисодиёт тармоқларига сарфланган жами инвестициялар ҳажмида қишлоқ хўжалигига ажратиладиган инвестициялар улуши камайиб бормоқда. Ваҳоланки, бозор муносабатларига ўтиш шароитида агро-саноат мажмуйи тармоқларининг барқарор ривожланиши корхоналарга зарур моддий ва молиявий ресурсларни жалб қилишда инвестицион фаолиятга эҳтиёж туғилади. Ваҳоланки, қишлоқ худуди аҳолиси бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш занжирини яратища фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини диверсификациялаш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини шакллантиришда инвестиция маблағлари

муҳим ҳисобланади. Натижада 2008-2017 йиллар мобайнида 1,7 млн гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти ҳамда 2,5 млн гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолатининг яхшиланишига эришилди [4].

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги мақсадларига эришиш учун соҳага инвестиция жалб этилиши тўғрисида илмий тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича қишлоқ хўжалигидага инвестиция фаолиятини жонлантирмасдан туриб молиявий барқарорликка эришиш ва тармоқ иқтисодиётини кўтариш мумкин эмас. Айниқса, бугунги кунда кўрилаётган барча чора-тадбирлар мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик фаолиятида инвестициявий жозибадорликни янада ошириш ҳамда жалб этилаётган инвестициялардан самарали фойдаланишни доимий назорат қилиб борищдан иборатдир. Аграр соҳанинг барча тармоқларини молиялаштириш, ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, аграр соҳани механизациялаш, маҳсулот этиштириш, харид қилиш ва сотища бозор тамойилларини кенг жорий этиш мақсадида мамлакатимизда “Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-куватлаш жамғармаси” ташкил этилди. Бунда кластер ва фермер хўжаликларида пахта-дон, сабзавот этиштириш фаолиятини қўллаб-куватлашда ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаб берилиши белгиланган. Бу тизимнинг ташкил этилиши ҳар қандай шароитда, айниқса пандемия даврида ишлаб чиқариш ва моддий теника ресурслари тақсимоти ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, бозор инфратузилмаси


фаолиятини самарали бўлишига, шунингдек, қишлоқ хўжалик фаолиятининг барқарор ўсишига, ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи тармоқлар ўртасидаги тенгсизликни камайтиришга ўз таъсирини кўрсатади. Бироқ, қишлоқ хўжалик фаолиятидан олинадиган фойда билан жалб қилинган ёки асосий фаолиятига инвестицияларнинг ўртасидаги муносабатлар ва уларга таъсир этувчи омилларга иқтисодий баҳо бериш мухим ҳисобланади.

Мазкур илмий мақоланинг мақсади – фермер хўжаликлари фаолиятидан олинган фойда билан жалб қилинган инвестиция маблағлари ўртасидаги муносабатга таъсир этувчи омилларни иқтисодий баҳолаш асосида илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

Материал ва методлар.

Мазкур илмий мақолада дастлаб, Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўпламлари ва 2013 йилдан 2020 йилгача иқтисодиётнинг аграр сектори фаолиятини молиялаштиришни тавсифловчи асосий иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик фаолиятига киритилган инвестиция маблағларининг ўзгариши ўрганилди.


Ўтган 5 йил давомида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ўртacha 4-5 фоизга камайган бўлсада [7], қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжаликлари фаолиятига асосий капиталга киритилган инвестициялар қиймати 2014-2020 йиллар давомида сезиларли равищада ошиб борган(1-чизма).



1-чизма. Асосий капиталга киритилган инвестиция, млд сўм

Бироқ, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари фаолиятига асосий капиталга киритилган инвестиция манбалари ўзгарган. 2013-2014 йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўртacha 35 фоизи Республика бюджет маблағлари ҳисобига тўғри келган бўлса, 2019-2020 йиллар давомида ўртacha 40-42 фоизи хорижий

инвестициялар ҳиссасига тўғри келган. Бироқ, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотлари қиймати ошган бўлсада ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалик улуши 2017 йилдан 2020 йилгача камайиш тенденциясида бўлган. Ваҳоланки, ялпи ички маҳсулотда бошқа иқтисодий тармоқларнинг салмоғи ошиши ҳисобига юз берган.



2-чизма. Асосий капиталга киритилган инвестиция манбалари, %



3-чизма. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари фаолиятида асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва асосий капиталга киритилган инвестиция манбаларининг ўзгариши, %

Илмий тадқиқот ишимиизда фермер хўжаликлари фаолиятидан олинган фойда ва фаолиятга киритилган инвестиция маблағлари ўртасидаги муносабат ҳамда унга таъсир этувчи омилларга иқтисодий баҳо бериш учун Самарқанд вилояти Зарафшон дарёси худудида жойлашган 2

та Пастдарғом ва Оқдарё туманлари(4-чизма) фермер хўжаликлари ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Ижтимоий сўровнома 44 та фермер хўжаликларида ўтказилиб, улардан 19 таси ёки 43,1 фоизи кўп тармоқли фермер хўжаликлари хисобланса(1-жадвал),

асосий фаолияти ўсимлиқчилик маҳсулотларини етиштирадиган

фермер хўжаликлари 52,2 фоизни ташкил этади.

1-жадвал

Ўзгарувчилар таснифи¹

Ўзгарувчилар	Ўртacha	Стан.огиши	Мин	Мах
Фойда, млн сўм	120.523	96.476	25	380
Маълумоти	1.773	.743	1	3
Экин майдон, га	87.477	54.042	25	258
Мехнат ресурси, киши	19.25	7.189	9	43
Инвестиция маблағ, млн сўм	125.909	100.312	15	385
Фаолияти	.477	.505	0	1
Тармоқ фаолияти	.432	.501	0	1

Ўтказилган ижтимоий сўровномада фермер хўжалик раҳбарларининг жинси бир хил, эркак бўлганлиги учун ушбу кўрсаткич олинмади. Бироқ, фермер хўжалиги раҳбарлари ўрта маҳсус, олий ва олий таълимдан кейинги таълим маълумотига эга бўлиб, мос равища 1:2:3 сифат қийматларида ифодаланди. Фермерларнинг ўртacha 82 фоизи ўрта маҳсус ва олий маълумотга эга бўлганлар.

Мазкур кўрсаткичлар орасидаги муносабатларга иқтисодий баҳо бериш учун STATA16 дастурлар пакетидан фойдаланилган ҳолда чизиқли регрессия усулидан фойдаланилди. Ўзгарувчилар орасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун “robust(мустаҳкамлаш)” буйруғидан фойдаланилган ҳолда таҳлил натижалари олинди.

Натижалар. Олинган натижаларга кўра, фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойданинг

ошишида инвестиция маблағлари 1 фоизлиқда ($p<.01$) статистик мухим аҳамиятга эга. Яъни, фермер хўжаликлари фаолиятига 1 бирлик(1 млн.сўм) инвестиция маблағларни жалб қилиш фаолиятдан олинадиган фойда миқдорини 22,6 фоизга оширади. Бироқ, фаолиятга жалб қилинадиган инвестиция маблағларни инноватцияга ёки ишлаб чиқариш фаолиятини рақамлаштиришга сарф бўлиши фаолиятда банд бўлган меҳнат ресурслари сонига таъсир кўрсатиши мумкин.

Фермер хўжаликлари фаолиятида фойда миқдорининг ошишига фермер хўжалиги раҳбарининг маълумоти ва экин майдони ҳажми ҳам 1 фоизлиқда ($p<.01$) статистик мухим аҳамиятга эга. Фермер хўжалиги раҳбарининг маълумотининг 1 бирликка ошиши фаолиятдан олинадиган фойда миқдорини 26,9 фоизга оширади.

2-жадвал

Фермер хўжаликлари фаолиятидан олинган фойдага инвестиция маблағларининг таъсири

In_фойда	Коэф.	t-қиймат	p-қиймат	[95% аниқлик]	Оралиқ]	Мухимлиги
Маълумоти	.269	4.68	0	.153	.386	***
ln_экин_майдони	.696	7.82	0	.516	.876	***
ln_меҳнат_ресурси	.134	1.34	.189	-.069	.338	
ln_инвестиция_маблағ	.226	3.25	.002	.085	.366	***
Фаолияти	.101	1.73	.091	-.017	.218	*
Тармоқ_фаолияти	.154	2.30	.027	.018	.289	**

¹ Илмий тадқиқотчи томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома маълумотлари асосида

Ўзгармас	-.52	-2.49	.017	-.944	-.097	**
Mean dependent var		4.466	SD dependent var		0.833	
R-squared		0.964	Number of obs		44.000	
F-test		158.953	Prob > F		0.000	
Akaike crit. (AIC)		-24.443	Bayesian crit. (BIC)		-11.954	

*** $p < .01$, ** $p < .05$, * $p < .1$

Шунингдек, фермер хўжаликларида экин майдонларининг 1 гектарга ошиши фойда миқдорини 69,6 фоизга оширади. Бироқ, фермер хўжаликларининг асосий фаолияти чорвачилик ҳисобланса 10 фоизлик($p < .1$)да статистик мухим ҳисобланиб, фойда миқдорини 10,1 фоизга оширади. Ваҳоланки, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти фойда миқдорининг ўзгаришига 5 фоизлик($p < .05$)да статистик мухим ҳисобланиб, фойда миқдорининг ошишига 15,4 фоиз таъсир кўрсатади.

Хуроса. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик фаолияти аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда, қишлоқ аҳолиси даромадини оширишда, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлашда мухим аҳамиятга эга. Мазкур соҳани барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда, кўп тармоқли фаолият турларини шакллантиришда инвестиция маблағлари мухим ҳисобланади.

Охири 5 йил давомида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари фаолиятига асосий капиталга киритилган инвестиция маблағлари ошган. Бироқ, инвестиция манбаларида Республика бюджет

маблағлари камайиб, хорижий инвестиция маблағлари ўртacha 40-42 фоизи ошган.

Инвестиция маблағлари билан фермер хўжаликлари фаолиятидан олинган фойда миқдори ўртасидаги муносабат 1 фоизлик статистик мухим аҳамиятга эга. Келгусида, фермер хўжалик фаолиятига жалб қилинадиган инвестициялар миқдорини 1 бирликка ошириш фаолиятдан олинган фойда миқдорини 22 фоизга оширади.

Хукумат томонидан қишлоқ хўжалик фаолиятига жалб қилинадиган инвестиция маблағларини фаолиятдан олинадиган фойда миқдорини оширишда статистик мухим аҳамиятга эга бўлган омилларга эътибор қаратиш лозим. Яъни, нисбатан экин майдони ҳажми катта бўлган, кўп тармоқли фермер хўжалик фаолиятини ташкил этишга сарфланадиган инвестиция маблағлар ҳажмини ошириш лозим. Шунингдек, фермер хўжаликлари раҳбарларининг малакаси, унинг маълумотини ошириш орқали ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришда инвестиция маблағларни жалб қилиш имкониятларини бериш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. World Bank. 2007b. Philippines: agriculture public expenditure review. Technical working paper 40493. Washington, DC.
2. Lowder S. K., Carisma B., Skoet J. Who invests in agriculture and how much? An empirical review of the relative size of various investments in agriculture in low-and middle-income countries. – 2012.



3. Юсупов М. Марказлашган давлат инвестициялари ва мақсадли дастурлари орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 10.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида. ПФ-5742-сон. 17.06.2019
5. Schmidhuber, J. & Bruinsma, J. 2011. Investing towards a world free of hunger: lowering vulnerability and enhancing resilience. In A. Prakash, ed. Safeguarding food security in volatile global markets. Rome, FAO
6. <https://lex.uz/docs/5309649> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги хузуридаги қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кўллаб-куватлаш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида. ПФ – 6179 – сон. 26.02.2021.
7. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси кўмитаси. –Тошкент, 2020.